



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор

А.Қ. Шадманов

«16» декабр 2020 йил

**Тошкент тиббиёт академияси ректорат кенгаши (он-лайн)
йиғилишининг
2-сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«15» декабр 2020 йил

Раислик қилувчи: А.Қ.Шадманов

Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор

Қатнашдилар:

Тошкент тиббиёт
академиясининг ректорат
кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Тошкент тиббиёт академиясида педагог ва шифокор ходимлар учун ташкил қилинган малака ошириш курсларининг ҳолати, муаммо ва камчиликлари

Маърузачи –Малака ошириш факултети декани Р.А.Зокирхўжаев

2. Турли масалалар

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қ А Р О И

1. Кун тартибининг “Тошкент тиббиёт академиясида педагог ва шифокор ходимлар учун ташкил қилинган малака ошириш курсларининг ҳолати, муаммо ва камчиликлари” масаласи бўйича малака ошириш факултети декани Р.А. Зокирхўжаевнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

1.1. ТТА ҳузуридаги малака ошириш тармоқ марказида ўз вақтида (ҳар 3 йилда 1 мартаба) малакасини оширмаган ҳамда қониқарсиз баҳо олган академиянинг педагог ходимлари (Кенжабаев Д.-1-сон факултет ва госпитал терапия, Вахобова Н.М.-неврология, Асраров А.А.-1-сон факултет ва госпитал жаррохлик, Муйдинов О.Х.- тиббий ва биологик кимё, Шарипов У.А.- халқ табибати, реабилитология ва жисмоний тарбия, Абдуллаев У.М.-микробиология, вирусология ва иммунология, Эргашев А.Т.-тиббий ва биологик кимё, Турдибеков Б.С.-травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейрожаррохлик кафедраси) огоҳлантирилсин ва кафедра мудирлари томонидан ўқув йили давомида ушбу педагогларни малака оширишлари таъминлансин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов,
малака ошириш факултети декани Р.А. Зокирхўжаев, кафедра
мудирлари**

Муддат: 2020-2021 ўқув йили охиригача

1.2. Академиянинг барча кафедраларида профессор-ўқитувчиларнинг малака оширишлари тўлиқ кўрсатилган ҳолда (қаерда, қачон, муддати, тури ва бошқа) ишлаб чиқилган режа бўйича амалга оширилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов,
малака ошириш факултети декани Р.А. Зокирхўжаев, кафедра
мудирлари**

Муддат: 2021 йил январ

1.3.ТТАда педагог ходимлар ва шифокорларнинг малака ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида иккита ишчи гуруҳ (1-си: ТТА профессор–ўқитувчиларини малака оширишлари бўйича, 2-си: тор мутахассисликлар бўйича Тошкент шаҳри ва вилоятлар кесимидаги шифокорларни малакасини ошириш бўйича) ташкил этилиб ҳар бир кафедранинг фаолияти ўрганилиб чиқилсин ва таклифлар киритилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, малака ошириш факултети декани Р.А. Зокирхўжаев, кафедра мудирлари

Муддат: 2021 йил январ

1.4.ТТА қошидаги малака ошириш тармоқ марказида малака ошираётган педагогларнинг кафедрадаги штат бўйича бажарилиши керак бўлган соатлари қопланиши ва дарслар жадвалига ўзгаришлар олдиндан киритилиши таъминлансин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, ўқув –услугий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, малака ошириш факултети декани Р.А. Зокирхўжаев, кафедра мудирлари

Муддат: 2020-2021 ўқув йили охиригача

1.5.Тиббий биологик фанлар кафедраларининг (морфология, гистология, биохимия, нормал ва патологик физиология) педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида 2-курс клиник ординатура талабалари орасидан иқтидорлиларини саралаб олиниши ҳамда ТТА малака ошириш тармоқ марказида Низомга мувофиқ ўқитилиши таъминлансин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, ўқув –услугий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов, кафедра мудирлари

Муддат: 2020-2021 ўқув йили охиригача

1.6. Педагог кадрларни малака ошириши бўйича нуфузли хорижий давлатлар ОТМларининг тажрибалари ўрганилган ҳолда Тошкент тиббиёт академияси педагог ходимларининг малака ошириш жараёни соддалаштирилиши бўйича (муддатини қисқартириш, мустақил ишлаш ва бошқа) таклифлар киритилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, ўқув –услугий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, ТТА хузуридаги малака ошириш тармоқ маркази директори У.А.Ташкенбаева, кафедра мудирлари,

Муддат: 2020-2021 ўқув йили охиригача

1.7. ТТАнинг малака ошириш факултетида ташкил этилган курсларига Республика шифокорларини жалб этиш мақсадида ҳар бир кафедра томонидан мутахассисликлари бўйича ижтимоий сайтларда ва оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эълон, интервью билан чиқишлар, сайёр циклар ташкил этилиши ва бошқа тарғибот ишлари олиб борилиши таъминлансин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, ўқув –услугий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, малака ошириш факултети декани Р.А. Зокирхўжаев, кафедра мудирлари

Муддат: 2020-2021 ўқув йили охиригача

1.8. ТТА қошидаги қайта тайерлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказида педагог ходимларни малакасини оширишини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланиб Бош илмий-методик марказга (БИММ) тақдим этилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, факултет деканлари, малака ошириш факултети декани Р.А. Зокирхўжаев, кафедра мудирлари

Муддат: 2020-2021 ўқув йили охиригача

2. Турли масалалар бўйича проректорлар Ш.А.Боймуродов, Т.А.Бобомуротов, Ф.Л.Азизова ва Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов сўзга чиқдилар.

2.1. Академиянинг илмий салохиятини ошириш мақсадида ҳар бир педагог ходим томонидан танланган илмий мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларни олиб бориши мажбурий деб таъкидлаб ўтилсин.

**Масъул: Илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор
Ф.Л.Азизова, факултет деканлари, кафедра мудирлари**

Муддат: 2020-2021 ўқув йили охиригача

2.2. ТТАда илмий мактаблар шакллантириши бўйича таклифлар киритилсин.

**Масъул: Илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор
Ф.Л.Азизова, факултет деканлари, кафедра мудирлари**

Муддат: 2020-2021 ўқув йили охиригача

2.3. Академиянинг 100 йиллигига бағишланган тарихий китобнинг тайёрлашдаги якуний босқичида бўлимлар ва кафедралар томонидан мавжуд бўлган таклифлар киритилсин.

**Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
Т.А.Бобомуротов, Бош мураббий О.М.Миртазаев, факултет
деканлари, кафедра мудирлари**

Муддат: 2021 йил 1 январ

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Ректорат Кенгаши ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси
кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова

ТТА Ўқув ишлари бўйича
проректор

Ш.А.Боймурадов

ТТА Илмий ва инновацион ишлар
бўйича проректор

Ф.Л.Азизова

ТТА Ёшлар ва иқтидорли талабалар
билан ишлаш бўйича проректор

Т.А. Бобомуратов

ТТА Даволаш ишлари бўйича
проректор

М.Ш.Каримов

Ўқув-услубий бўлими бошлиғи

Ш.Ш.Массавиров